

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ МАКТАБИ

**Иқтисодиёт мактаби асосчиси
И.Т.Абдукаримовнинг 85 йиллик
юбилейига бағишланади**

**«ИҚТИСОДИЁТНИ
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ»**

**мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий
конференция**

МАТЕРИАЛЛАРИ

(VI -қисм)

(2017 йил 24-25 февраль кунлари)

САМАРҚАНД – 2017

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш истиқболлари / 2017 йил 24-25 февраль кунлари. Республика анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллари (VI-қисм). Самарқанд, СамИСИ, 2017. – 252 бет.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:

Иқтисод фанлари доктори, профессор – **М.Қ.Пардаев**

Нашр учун масъуллар:

М.М.Мухаммедов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Ж.Р.Зайналов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

И.С.Тухлиев – иқтисод фанлари доктори, профессор,

К.Б.Уразов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Қ.Ж.Мирзаев – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Б.А.Абдукаримов – иқтисод фанлари номзоди, профессор

Х.И.Турдибеков – иқтисод фанлари номзоди, доцент

Саҳифаловчи: Ҳилола Очилова

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш тенденцияси ва истиқболлари, соҳанинг алоҳида тармоқлари самарадорлигини ошириш муаммоларига оид масалалар ёритилган. Унда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари, мазкур соҳада менежмент, маркетинг ва молиявий муносабатлар, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни такомиллаштириш, туризм соҳасини ривожлантириш, рақобатбардош кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш ва шулар орқали аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш масалаларини ҳал қилиш бўйича илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақолалар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, катта илмий ходим-изланувчилар ва соҳа мутахассисларга мўлжалланган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

© Самарқанд иқтисодий ва сервис институти, 2017

VIII ШЎЪБА. “МАМЛАКАТИМИЗДА УМУМИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ”

Ш.А.Султонов – СамИСИ «Иқтисодиёт» кафедраси мудири, и.ф.н.

М.Аллаёров – СамИСИ магистранти,

Т.Орипов – СамИСИ магистранти

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ


Самарқанд вилояти иқтисодий-ижтимоий салоҳияти билан мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган етакчи вилоятлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ана шундай салоҳият йилдан-йилга ортиб ва мустаҳкамланиб, вилоят иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларининг таъминлашга, аҳолини иш билан юқори даражада таъминланганлигини, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида, давлат иш билан бандлик сиёсати вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг таркибий қисми сифатида меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш ва унинг ривожланиши бўйича иш билан бандлик муаммоларини ечишга йўналтирилиши зарур. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аҳолини иш билан бандлиги ва ишсизлиги бир-бирига тез алмашилиши мумкин. Самарқанд вилоятда аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш ва ишсизликни бартараф этишда меҳнат бозорининг аҳамияти каттадир. Чунки вилоятда ишчи кучига бўлган талаб ва унинг таклифи айнан меҳнат бозорида ўзаро тўқнашади. Шу боис, бу инфратузилмани самарали ривожлантириш вилоятда ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг асосий омилларидан бири ҳисобланади (1-расм).

Қишлоқ жойларида аҳоли иш билан бандлигини таъминлашнинг меҳнат бозори орқали тартибга солиш фаол рол ўйнайди. Меҳнат бозори иқтисодий фаол аҳолининг иш билан бандлигини, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этилишини таъминлайди.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида меҳнат бозорини самарали фаолият кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у бозор иқтисодиёти тизимидаги алоҳида ўрни ва мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Меҳнат бозорининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсирини аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш шаклида ифодалаш мумкин.

Эркин иқтисодий ислохотлар шароитида иш билан бандлик ва



1-расм. Меҳнат бозорида аҳолини иш билан бандлиги ва унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири

ишсизлик бир бирига тез алмашилиши мумкин. Самарқанд вилоятида аҳолини иш билан бандлигини таъминлашнинг ҳудудий хусусиятлари ва ишсизликни камайтиришда меҳнат бозорининг аҳамияти катта ҳисобланади. Чунки ишчи кучи таклифи ва унга бўлган талаби айнан меҳнат бозорида ўзаро тўқнашади. Шу боис, бу инфратузилмани самарали ривожлантириш иқтисодиётни янгилаш шароитида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шароитида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, ишсизлик муаммосининг мавжудлиги бозор иқтисодиётининг ажралмас хусусиятидир. Шундай экан, ишсизлик муаммосини ўрганишдан асосий мақсад – аҳолининг иш билан бандлигини ошириш орқали мамлакат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга алоқадор тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Айниқса, чуқурлашган иқтисодий ислохотлар шароитида аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи янада долзарб тус олди.

Ўзбекистон Республикасида аҳолини иш билан бандлигини таҳлил қилинганда, 2014 йилда маданий ишлаб чиқариш соҳасида 7371 минг киши ва 2015 йилда 7567 минг киши банд бўлишган. Бу кўрсаткич 2015 йилда 2,7 %га ўсган. Шундан 2014 йилда саноатда иш билан бандлар 1497 минг киши бўлган бўлса, 2015 йилда 1537 минг кишига етган ва мос даврга нисбатан 2,7 % га ошган. Республикада қурилиш соҳасида иш билан бандлар ҳам 2,6 %га, транспорт ва алоқа 2,7 %, савдо ва умумий овқатланиш 6,5 %, қишлоқ хўжалигида бандлар 1,6 га ўсиши кузатилган.

2015 йилда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастури доирасида иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида иш билан банд аҳолининг таркиби

(минг киши)

№	Кўрсаткичлар	2014 й.	2015 й.	Ўсиши, % да
1	Маданий ишлаб чиқариш соҳасида	7371	7567	102,7
	шундан,			
2	Саноатда	1497	1537	102,7
3	Қурилишда	947	972	102,6
4	Транспорт ва алоқада	369	379	102,7
5	Савдо ва умумий овқатланишда	1145	1219	106,5
6	Бошқа тармоқларда	494	494	100,0
7	Қишлоқ хўжалигида	2919	2967	101,6
	Жами	7371	7568	102,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур дастур доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар самарадорлиги ҳақида гапирганда, уларнинг аввало энг муҳим масалаларга — янги иш ўринларини яратиш ва аҳолимизнинг турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилганлигини таъкидлаш лозим.

Биз қуйида Самарқанд вилояти аҳолисининг сони, меҳнат ресурслари ва иш билан бандлигини ҳудудий хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш қанча долзарблигини тўла тасаввур қилиш учун демографик вазиятга бир назар ташлайлик. Бизда аҳолининг табиий ўсиши кейинги йилларда бир оз секинлашганига қарамасдан, ҳамдўстлик мамлакатлари орасида энг юқориликча сақланиб турибди. Кейинги йилларда, республикаимизда аҳолининг ўсиши ўртача 1,5% ни ташкил этмоқда. Бу эса, меҳнат ресурсларини мутаносиб равишда ўсишига олиб келмоқда.

Самарқанд вилоятида ишсизлик даражаси 2010 йилда 5,1 %, 2015 йилда эса 5,5 % га тенг бўлиб, кўрилатган даврда бу кўрсаткич пасайиш тенденциясига эга (2-жадвал).

Иқтисодийётнинг юксалиш даврида иш билан бандлик хизмати нафақат янги турдаги фаолиятларга ишчи кучини жойлаштириш, балки меҳнат ресурсларидан максимал даражада фойдаланиш, ишсизларни қайта ўқитишни турли дастурларини ишлаб чиқиш, зарур малакага эга ишчиларни танлаб олиш усуллари ва ишчи кучига талабни ошириш

2-жадвал

Самарқанд вилоятида меҳнат ресурслари ва аҳолининг иш билан бандлиги ҳолати

(минг киши ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Йиллар						2010-2015 йилларда ўсиши (% да)
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	
Аҳоли сони	3046,2	3102,5	3140,2	3 197,2	3380,8	3444,8	113.1
Меҳнат ресурслари	1698,2	1720,1	1742,3	1794,6	1952,8	1 988,0	117.1
Иш билан банд бўлганлар	1141,5	1160,8	1229,9	1271,0	1314,5	1 357,3	119.0
Жами иш ўринларига талаб	49,4	59,0	62,5	68,3	67,3	69.1	139.8
Ишсизлик даражаси (%да)	5,1	4,0	4,8	4,7	5,4	5.5	--

Манба: Самарқанд вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

имкониятлари ҳамда шарт-шароитларига эга бўлади. Иқтисодиётнинг таназзули даврида, иш билан бандлик хизмати органлари меҳнат бозорининг канъюктурасидан келиб чиққан ҳолда аҳолининг иш билан бандлиги муаммоларининг ечими тўғрисида мақбул таклифларни бериши мумкин. Меҳнат бозорини таҳлил қилишда иш билан бандликка кўмаклашиш доирасидаги йўналишлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, нафақат иш билан бандлик хизматининг самарали фаолиятини баҳолаш, иш билан бандлик сиёсати йўналишларини ишлаб чиқиш, балки иш билан бандлик муаммолари бўйича янги ечимларни таклиф қилиш имкониятлари юзага келади.

Бу йилларда ишчи кучини кескин ишдан бўшаши аниқ бир мақсадда — қишлоқ хўжалигидан ортиқча ишчи кучини чиқарилиши асосида содир бўлди (3- жадвал).

Самарқанд вилояти бўйича 2011-2015 йиллар давомида «Аҳолини иш билан таъминлаш Дастури»нинг бажарилиши қуйидаги жадвалда кўрсатиб ўтилган . 4-жадвалдан кўриниб турибдики, Самарқанд вилоятида 2010-2015 йиллар мобайнида жами давлат иш билан банлик хизмати органларига мурожаат қилганлар ҳиссаси 113,8 %га ошган. Шунингдек, туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг йўлланмаси билан ишга жойлашганлар бу даврлар мобайнида 114,9 %га ўсган. Вилоятда 2010 йилда давлат иш билан бандлик хизмати орқали ишга жойлашганлар ҳиссаси жами иш сўраб мурожаат қилганларга нисбатан 91,8 % ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2015 йилга келиб 90,7 %ни ташкил этган. Ишга жойлашганлар

3- жадвал

Самарқанд вилоятида “Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий
Дастури”нинг бажарилиши (киши ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Йиллар						2010-2014 й.й.да ўсиш, (%)
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	
БКМ га иш сўраб мурожаат қилганлар	63880	64355	73021	76287	72721	74315	113,8
БКМ лар йўлланмаси билан ишга жойлашганлар	58636	59020	65412	68360	67303	67426	114,9
Ишсиз мақомини олганлар	4797	5051	7609	6813	5316	5476	114.1
Касбга ўқитиш ва малакасини оширишга йўналтирилганлар	841	652	1056	1125	1065	1025	121.9
Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига йўналтирилган	2462	3245	5500	5609	4215	4159	168.9
Ишсизлик нафақаси тайинланганлар	1971	1154	1053	1116	36	31	- 98,4
Корхоналарда мавжуд бўш иш ўринлари	1396	3582	2690	2763	6831	7132	5,1 марта

*Манба: Самарқанд вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош
бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.*

ҳиссасининг иш сўраб мурожаат қилганларга нисбатан бу даврлар орали-
ғида ўсиб бориш тенденцияси кўзатилди. Бундай ўзгаришлар асосан янги
ва қўшимча иш ўринларининг яратилиши ҳисобига амалга оширилган.

2010-2015 йиллар давомида ишсизлик нафақасини олганлар миқдори
кескин тушиш тенденцияси содир бўлган. 2015 йил давомида Самарқанд
вилоятида ишсизлик нафақасини олганлар сони 31 кишини ташкил қилган
ёки 2015 йилда 2010 йилга нисбатан 98,4 % га кескин камайган. Бунга
сабаб иш сўраб мурожаат қилганларнинг аксарият қисmini ишга
жойлаштирилганлиги, айримларининг жамоат ишларига жалб
қилинганлиги ёки малакасини ошириш, қайта касбга тайёрлашлардан
ўтказилганларнинг миқдори ўсганлиги билан изоҳланади. Маҳаллалар
томонидан ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинганлар сони 2010
йилда 2462 кишини ташкил қилган бўлса, 2015 йилда 4159 кишига этган.
Бу кўрсаткич 2015 йилда 2010 йилга нисбатан 68.9 %га ошган.

Шунингдек, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдан, қайта

касбий тайёргарликдан ўтганлар миқдори ҳам 2015-2010 йилларда 1025 ва 841 кишига этган ёки 121,9 % га ортган. Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат иш билан бандлик жамғармасининг пассив йўналишларига сарфланишининг тежалиши иш билан таъминлашнинг фаол йўналишларига сарфланадиган маблағларни молиялаштиришни кенгайтириш учун манба бўлиб ҳисобланади.

Умуман олганда, вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, аҳоли турмуш даражаси яхшиланишида, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини оширишда аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда унинг ҳудудий хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

У.Х.Каландаров – старший преподаватель СамИЭС, к.т.н.,
А.О.Зохиров – студент СамИЭС

ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ КРУГОВОГО ЦИЛИНДРИЧЕСКОГО СЛОЯ С ИДЕАЛЬНОЙ ЖИДКОСТЯМИ

Круговые цилиндрические слои и оболочки большой длины (туннели, трубопроводы, бурильные колонны) взаимодействующие с потоками (как внешними, так и внутренними) жидкостей и газов, широко применяются в ряде отраслей науки, техники и промышленности, в том числе машиностроении, горной механике, нефтегазодобыче, авиационной и космической технике и др. [1,2].

Одно из важных задач динамики систем «слой-жидкость» и «оболочка-жидкость» является определение частот и форм собственных колебаний. Во многих работах такие задачи решались, рассматривая цилиндрический слой или толстостенную трубу как балку [3] или на основе теории оболочек Кирхгофа–Лява [4]. В работах [1] аналогичные задачи решены на основе уточненных уравнений, учитывающих инерцию вращения и деформации поперечного сдвига.

Настоящая работа посвящена решению прикладных задач об осесимметричных колебаниях кругового цилиндрического упругого слоя, взаимодействующего с вязкой несжимаемой и идеальной сжимаемой жидкостями на основе уравнений колебания, полученных во второй главе.

Ограничиваясь нулевым приближением ($n = 0$) в общих уравнениях крутильных колебаний цилиндрического слоя, содержащего вязкую несжимаемую жидкость, получим

$$\begin{aligned} \frac{r_2^2}{2} \lambda_2 U_{\theta,0} + r_1 \left[\frac{1}{2} \left(\lambda_2 - \frac{4}{r_2^2} \right) + \frac{r_2^2}{8} \left(\ln \frac{r_2}{r_1} - \frac{1}{4} \right) \lambda_2^2 \right] U_{\theta,1} &= \frac{1}{\mu} f_{r\theta}(z, t); \\ \frac{r_2^2}{2} \lambda_2 U_{\theta,0} + \frac{r_1^2}{4} \frac{\mu'}{\nu \mu} \frac{\partial^2 U_{\theta,0}}{\partial t^2} + \left(\frac{2}{r_1} + \frac{r_1}{2} \lambda_2 - \frac{r_1^3}{32} \lambda_2^2 \right) U_{\theta,1} &+ \frac{r_1}{4} \frac{\mu'}{\nu \mu} \frac{\partial^2 U_{\theta,1}}{\partial t^2} = 0, \end{aligned} \quad (1)$$

VII ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ВА АЛОҲИДА ТАРМОҚЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”		
Kodirov J., Shukurov I.	Xizmat ko‘rsatish sohasi samaradorligini oshirishda raqobatbardosh kadrlarni tayyorlashni takomillashtirish muammolari	173
Norboyeva D.J.	Xizmat ko‘rsatish sohasi samaradorligini oshirishda raqobatbardosh kadrlarni tayorlash muammolari	176
Мавлонов О.Н., Жуманов В.И.	Таълим жараёнида фанлардан ўқувчи ва ўқитувчилар фойдаланадиган кўрсатмалар мажмуасини яратувчи дастурий восита	179
Zubaydullayev O‘.R., Esonboyev Q.	Ta’limning globallashuvi sharoitida barkamol avlodni tarbiyalash masalalari	183
Кафиев З.Х.	Вопросы развития спортивных секций для детей	186
Karimova Sh., Abdirapiyev U. E.	Ovqatlanish korxonalari uchun kadrlar yetkazib berishdagi ayrim muammolar	188
Джалилов Ф., Рўзиев Б.	Кичик бизнес ва олий таълим тизими ўртасидаги инновацион ҳамкорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари	190
Sodirjonov M.M.	Oilada mehnat tarbiyasi – tadbirkorlikning muhim omili	193
Zubaydullayev O‘., Begimova D.	Kasbiy ta’lim yo‘nalishi bo‘yicha bakalavr-o‘qituvchilarni tayyorlashda mustaqil ta’limni tashkil etish	198
Кафиев З.Х.	Самостоятельные занятия физической культурой для женщин	201
Бабаназарова С.А., Шарипова Г.Т.	Ўрта махсус касб-хунар таълимини бошқариш тизими	203
VIII ШЎЪБА. “МАМЛАКАТИМИЗДА УМУМИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ”		
Султонов Ш.А., Аллаёров М., Орипов Т.	Қишлоқ жойларда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашнинг аҳамияти	206
Каландаров У.Х., Зохиров А.О.	Взаимодействия кругового цилиндрического слоя с идеальной жидкостями	211
Кувандиков И.М., Зайналов М.Н.	Использование MS Excel в задачах линейного программирования	215